

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 165 (4156).

21

АВГУСТ

ПАЙШАНБА

1969 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин

Илғорлар даласида

Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхозининг ўртоқ Дадаш Худойбердиев бошлик бригадаси аъзолари бу йил 103 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Улар беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 30 центнердан дур ундиришмоқчи. Пахтакорлар мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи ой бўлган ҳозирги дамларда алоҳида

гайрат кўрсатиб, ғўза парваринини маромига етказишмоқда. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда З. Мирзаев, А. Султонов, А. Маматкулов каби тажрибали механизаторларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар ўз агрегатларини унумли ишлатиб, ғўзаларни кундалангига ва узунасига сифатли парварини қилдилар.

Ҳўжаликда ғўзаларни суғориш ҳам яхши ташкил этилган. Бу ишда О. Саидназаров, Н. Тошбоев, А. Бердимуродов каби моҳир суғирчилар намуна кўрсатишмоқда. Вақтида култивация қилиниб, озиқлантирилган ғўзаларнинг ҳар түплда гул-гул қўсан кўзага ташланиб турибди.

Ш. ИҶДОШЕВ.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

«Ленинизм» колхозининг Мирзабек Ёрлбоев бошлик участкаси деҳқонлари бу йил 128 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида астойдил ишламоқдалар. Ҳозирги кунда участка пахта далаларини айланган киши аҳил коллективнинг меҳнатидан тўла қаноат ҳосил қилади. Улар пахтазорларини бегона ўтлардан тозаллаб, мўл ҳосил тушлаш учун ғўзанинги ён шохларини ҳам чилишмоқда. Ғўзага туртинчи марта ишлов бераётган азамат механизаторларнинг мақсади ғўза тагини яна ҳам сифатли юмшатиб, унинг ҳар бир шохиди шигил қўсақ бўлишига эришишдир. Шунинг учун айни кунларда ҳам агрегатлар далада.

Суғирчилар Н. Кеенов ва Ж. Ёрлбоевларда ҳам тиним йўқ. Улар шу кунгача барча майдондаги ғўзаларининг 3 марта қониб сув ичингига муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳозирги кунда ҳам бу миришкорларнинг ҳар бири суви об-тобда тарамоқда.

Х. АҲМЕДОВ.
Оққўрғон.



Мўл ҳосил учун қизғин кураш кетаётган шу долзарб дамларда пахта пайдаларда ишлаётган йирикшор суғирчилар ва азамат механизаторлар гайрат-гайрат кўшмоқдалар. Ҳосилдорлигини оширишда шарафат суви муҳим омиллардан ҳисобланади. Буни яхши билган деҳқонлар шу кеча-кундузда ғўзаларга ёппасига шарафат бермоқдалар. Оққўрғонда райондаги «Кизил Ўзбекистон» колхозини пахтакорлари ҳам ҳосил учун курашда гайрат кўрсатишмоқда. Суратда: колхознинг илғор суғирчилардан Нигмат Жумаев ва Алиш Йўлдошевлар ғўзага сув тарашида ўзаро фикр алмашмоқдалар.

А. Абалей фотоси.

Монтажчилар ҳиммати

Дохиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Ўзбекистон ССР Монтажи ва маҳсул куриш министрлигига қарашли 93-маҳсул трестининг энергомонтаж бошқармаси коллектив кувончли ютуқларга эришмоқда.

Иккинчи кварталда бу ерда планда кўзда тутилганидан 116 минг сўмликдан зиёд иш бажарилиди. Бошқарманинги Янгийўл участкасида иш айниқса жадал бормоқда. Бу ерда ёрмоқ комбинати реконструкция қилинган. 2-участкида эса қозон монтажига муваффақият олиб бориляпти.

А. КИМ.

Комбинат кенгаймоқда

Чирчиқ электротехника комбинати республикамизнинг туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Ўзбекистон ССР Монтажи ва маҳсул куриш министрлигига қарашли 93-маҳсул трестининг энергомонтаж бошқармаси коллектив кувончли ютуқларга эришмоқда.

Монтажчилар ойлик тошини, ризаларини ошириб адо этишмоқда. Ўтган ойда тошпирқ 104 процент қилиб бажарилиди. Ўтган ойлик план олти процент ошириб адо этилди. Шу кунларда минерал ўғитлар цехида-

ги янги линияларини тақомиллаштириш устида ишляпти. Бунда тўрт пешқадим бригада алоҳида ҳиммат кўрсатишмоқда. Р. Абдурашидов, А. Кулибобоев, Ю. Церел, М. Рипов ўртоқлар бошчилиги қилаётган бу бригадаларнинг ишчилари қийин ва масъуляти вазифани август охиригача — муддатидан ўн кун илгари бажаришга ҳаракат қилишляпти.

Т. СИХАРҒИДЗЕ.

ИХТИРОЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Тошкентдаги бадий буюмлар фабрикаси ишчилари республикамиз маҳаллий саноати ҳодимлари ўртасидаги социалистик мусобадада биринчи ва иккинчи кварталда ғолиб чиққан. Бунда ихтирочиларнинг ҳам муносиб улуши бор. Ўтган йили улар 11 тақлифни ишлаб чиқаришга жорий қилиб, қорғонага 50 минг сўздан ортиқ фойда келтирган эдилар. Ихтирочилар бу йил ҳам янги-янги тақлифларни ўртага ташлашмоқда.

Фабрика меҳнатини Зикир Набикужаев қозонини иситиш учун кўмир ўрнига соялар қекини жорий қилди. Натигада ёқилган кетадан маблаг икки баравар камайдн, иш жараёни осонлашди.

Чевар Тамара Носованин тақлифни ёқиб болалар костюмининг ёқаси янги мода билан тизилла бошляпти. Бунда ишчи суни ача қисқариб, ишлаб чиқариш жараёни қулайлашди. Бундан қорғона бир неча минг сўм фойда кўрмоқда.

Попович Хайри Собирова эса сўзанага янги нусха гул тизилиши жорий қилди. Ҳозир шу нусхадан сўзанадан ҳаридорларга маъмул тушмоқда. Бундан йилга 400 килограмм иппак тежаб қолмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

И. КОМИЛЖОНОВ.

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Бекобод районидagi «Ленинград» совхозининг ташкил тоилганга икки йил бўлди. Ҳўжаликда меҳнат қилаётганлар асосан ёшлардир. 24 коммунистдан иборат партия ташкилоти бор. Бу ёш партия ташкилоти коммунистлари қисқа вақт ичида катта ишларни амалга оширдилар. Улар янги ташкил этилган бу совхозининг оғир шароитларини бартараф этиб, об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор сирга катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йили давлатга бугдой, гўшт, қўн ва бошқа қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини тошириш планларини ортиги билан бажардилар.

Коммунистлардан Чўпон Х. Тошматов, сўт соғувчилар Т. Хусниддинова, Л. Галимова ўртоқларнинг меҳнатлари айниқса диққатга сазовордир. Х. Тошматов ўтган йили пландаги 720 ўринга 790 бош соғлом кўн олди. Ҳар бош кўйдан 2,7 килограмм ўринга 3,6 килограмм қўн қирқиб тоширдн.

Бу йил совхоз коммунистлари олдида янада катта вазифа турибди. Ватанга 650 тонна пахта, 3174 тонна дон, 650 центнер гўшт, 260 тонна сўт ва бошқа қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етказиб бериш зарур.

Совхозда бу йил биринчи марта 500 гектар ерда чигит экилди. «Оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришга эш дилларига жо ётган фидокорлар чигитларни бир текис ундириб олишда ва ҳозир юқори агротехника

қондаларига мувофиқ парварини қилишляпти.

— Пахтачилик бизда янги соҳа, — дейди коммунист ўртоқ Пак, — ерларимизга чигит экиб бўлганимиздан кейин сув масаласида анча қийналиб қолдик. Мавжуд сув тармоқларидан оқиб келган оби-ҳаёт барча пахтазоримизга етишмас эди. Шунда коммунист Карим Абдураҳмонов ўз бригадаси аъзоларини йиғиб, тўрт километр наридан оқадиган катта ариқдан сув келтирсан, деган масала қўйдн. Шунда бригада аъзолари унинг тақлифини маъқуладди. Тўрт километр ариқ қазилиб, сув тақдирлидан куттилик.

Кўпчилик коммунистлар катта ишларни фаол қатнашмоқдалар. КПСС аъзоларидан санкиз киши сийсий ташкилот ва сийсий ахборотчиридир. Уч киши ишчилар комитети аъзолари. Икки киши қишлоқ советининг депутатиди.

Партия ташкилоти ўз сафларини синалган, ҳаммаша халқ ишига содиқ бўлган илғор кишилар ҳисобига кенгайтиришга алоҳида эътибор берапти. Шу кеча-кундузда бошлангич партия ташкилотига бирланган совхоз коммунистлари дохиймиз Владимир Илйич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига юксак мажбуриятларни бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

М. ЖҲРАЕВ,
Бекобод район партия комитетининг инструктори.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ, БЎШАШТИРМАНГ

Янгийўл районининг пахтакорлари олдида бу йил катта ва масъуляти вазифа турибди. Улар ҳар бир гектар майдондан ўртача 27,2 центнердан ҳосил етиштириб, ошчилари керак. Ана шу мажбурият юзасидан районда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда, даладарда ҳосил тушлаш қандай кетаяпти?

Ўрта Чирчиқ районидан келган Ҳавро текшириш бригадаси аъзолари ўз олдларига ана шу масаланинги текшириш мақсад қилиб қўйган эдилар. Улар алоҳида алоҳида гуруҳларга бўлиниб, хўжаликларга кетишди.

Ҳавро текшириш бригадаси саставида партия, хўжалик ҳодимлари, область қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ҳодимлари, шунингдек, Янгийўл районининг мутахассислари бор эди.

Райондаги Ҳамроқул Турсунов номи колхоз пахтакорлари термолди масъулятини ғўза қилган ҳолда меҳнат қилишляпти. Бу ҳўжаликда ғўзага ишлов бериш яхши ташкил этилган. Баъ

зи кечинкан майдонлардаги ғўзаларга қўшимча ишлов бериш, янгийўл ташкил этилган. Самарани меҳнат натижасида ғўза туллари шу кунларда нормал ривожланимоқда. Колхозчилар ғўзани култивация қилишни давом эттиришляпти. Култивация даладарда ғўза туллари, шохларига, унинг гулларида эҳтиёт бўлиб зарар-етказмаслиқка эътибор беришмоқда.

Колхозда ғўза парварини ва унинг ҳолатини текширишдан ўтказган Ўрта Чирчиқ районидagi Киров номи совхозининг директори Файзулла Муталов ва шу совхозининг бригада бошлиғи Хамиджон Қомиллов ўртоқлар хўжаликдаги айниқса Социалистик Меҳнат Қазармони Раимберди Йўлдошев, Санобар Қурбонова бошчилиги қилаётган бригадаларда ғўза парварини намунали олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳавро текшириш бригадасининг аъзолари пахта майдонларидagi бегона ўтларини терим ишлари бошлангунча йўқ қилиб ташлашни кўрсатиб

ўтишди. Қисман ўт босган майдонлар колхознинг марказдан узоқ айрим лартадарда мавжуд эканлигини ҳам алоҳида таъкидланди.

Бу колхозда айрим ахсалалар бўйича колхозчилар кўпроқ агротехсовет аъзоларига мурожаат қилиб туришса, ёмон бўлмайди, — деди ўртоқ Ф. Муталов. — Айниқса сугоришда янндан ердан беришлари мумкин.

Колхоз раҳбарлари меҳмонлар кўрсатиб ўтган намуналиларини қисқа муддатларда тугатишга сўз бердилар.

Назарали Ниёзов номи колхозда ҳам ғўза парварини яхши ташкил этилган. Бу колхозда текшириш ишларини Ўрта Чирчиқ районидagi Акмал Киромов номи колхоз раиси Холтурсул Пулатов ва шу колхознинг бош агрономи Баҳодир Қосимов ўртоқлар ўтказишляпти. Уларнинг таъкидлашча, кўпчилик бригадаларда ғўза ҳолати яхши. Гектарларда ғўза туллари кўнгилдагидек. Ғўзалар яхши кўсалмоқда. Парварини етарли

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА
ШАРТЛАРИНИНГ БАЖА.
РИЛИШНИ ТЕКШИРАМИЗ

«КЎК ОЛТИН» МИРИШКОРЛАРИ

Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг 20-бригадаси бошлиғи Хан Анатолийни-колхозчилар «кўк олтин» миришкори дейишади. Ҳақиқатда ҳам шундай. У бошчилик қилаётган бригада ҳар йили планини ошириб бажаради.

Бу йил ҳам об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай 180 гектар ерда каноп уруғи ташланди. Шу майдонлардаги уруғлар бир текис униб чиқиб, ҳозир яхши ўсмоқда. Канопни парварини қилишда 12 сувчи гайрат кўрсатиб ишлади.

— Шу кунларда канопни ташлаб ўришга тайёргарлик қўраляпти, — дейди бригада бошлиғи. — Бу муҳим ишни қисқа муддатда ўтказиш учун ҳамма тадбирлар қўрилди. Гектаридан 210 центнердан каноп полси олиш учун етарли ҳосил етиштирилади.

З. ИСҲОҚОВ.



КАЛИНИН районидagi Охунбобоев номи колхоз чорвадорлари йил сайини мўл-кўл чорва маҳсулотларини тайёрлаш йилида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Колхоз чорвачилик фермасида барча ишлар комплекс меҳнатлашялашган. Соғин сирлар учун қурилган янги типовой молхона ишга туширилди. Шунинг учун ҳам колхозда гўшт, сўт ва бошқа чорва маҳсулотларини тайёрлаш планларини ортиги билан адо этилмоқда. Ферманинги ишчан соҳибалари бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улдон Эсимхонова ҳам ана шундайлардан. У бу йил ўзига қарашли ҳар бир сиғирдан 2500 литрдан ошмиш сўт соғиб олиш учун курашмоқда. Шунингдек чорва маҳсулотларини кўпайтиришда молбоқарларнинг хизматлари ҳам катта бўляпти. Суратларда: (чапда) илғор сўт соғувчи У. Эсимхонова иш устида (ўнгда) молбоқар Э. Тошқулов.

Ж. РАЗЗОКОВ
фотолари.

ЁШЛАР БРИГАДАСИ

Бука районидagi 68-Клара Цеткин номи мактаб комсомол ёшлари «Коммунизм» колхозини даласидан 22 гектар ер ажратиб олишганди. Шу кеча-кундузда комсомол-ёшлар бригадасида бўлсангиз, ғўзаларнинг

барқ уриб ишлятганлигини гувоҳи бўласиз. Айни кунларда комсомол ўқувчилар тез ва қисқа кун ичида меҳнатни тугалаб, колхоздаги бошқа бригадаларга ёрдам беришмоқда. Бу ишда,

айниқса, А. Бекпулатов, А. Мирсанудова, Х. Қурбонова ва М. Булабобоевлар бошқаларга уриқ бўлишмоқда. Бу ёшматларнинг аҳдлари катта — гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи. З. ЕҲУБОВ.

